

## ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ЭКОНОМЕТРИКАНИ ЎҚИТИШНИНГ ТАҲСИЛ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА МЕТОДИК ТИЗИМНИНГ МОҲИАТИ

**Равшанова Муҳайё Махманазаровна**

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

**Аннотация.** Мазкур мақолада тадқиқотчи томонидан педагогика олий таълим муассасалари талабаларига эконометрикани ўқитиш таҳсил технологияси ва методик тизимнинг мазмун моҳияти келтирилиб, мазкур тушунчаларнинг маънолари тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос тарзда очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** педагогик технологиялар, таҳсил технологияси, методик тизим, концептуал аспект, методик аспект, верификацион аспект, илмий аспект, процессуал-тасвирий, процессуал-кор қилувчи аспект, метод.

“Педагогик технология” тушунчасининг уч аспекти ажратиб кўрсатилган:

• *илмий аспект:* педагогик технология – таҳсилнинг мақсадларини, мазмунини ва методларини ўрганувчи ва ишлаб чиқувчи ва педагогик жараёнларни проектловчи педагогик фан соҳасининг бир қисми;

• *процессуал-тасвирий аспект:* жараённи (алгоритм) баён қилиш, таҳсилнинг режаланаётган натижаларига эришиш учун мақсадлар, мазмун, методлар ва воситалар йиғиндиси;

• *процессуал-кор қилувчи:* технологик (педагогик) жараённи амалга ошириш, шахсга оид, инструментал ва методологик педагогик воситаларнинг функция бажариши[2].

Шу ерда муаллиф “педагогик технология” тушунчасини қўллаш амалиётида иерархия тарзида бўйсунувчи уч даражани кўриб чиқади:

1) *Умумпедагогик* (умумдидактик) даража: умумпедагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) технология мазкур минтақадаги, ўқув муассасасидаги, таҳсилнинг муайян поғонасидаги яхлит бир таълим жараёнини характерлайди. Ушбу даражада педагогик технология ва педагогик тизим синонимлар ўлароқ кўрилади, технология таҳсилнинг мақсадлари, мазмуни, воситалари ва методлари йиғиндисини, жараённинг субъектлари ва объектлари фаолияти алгоритмини ўз ичига олади.

2) *Хос-методик* (предметли) даража: хос предметли педагогик технология “хос методика” маъносида, яъни бир предмет, синф, ўқитувчи (предметларни ўтиш методикаси, компенсация қилувчи таҳсил методикаси, ўқитувчи, тарбиячи иши методикаси) доирасида таҳсил ва тарбиянинг муайян мазмунини рўёбга чиқариш учун мўлжалланган методлар ва воситалар йиғиндиси ўлароқ истеъмолда (илмий муомалада) ишлатилади.

3) *Локал* (модулли) даража: локал технология ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида қисмлари технологиясини, хос дидактик ва тарбиявий вазифаларни бажаришни (алоҳида фаолият турлари, тушунчаларни шакллантириш, алоҳида шахс сифатларини тарбиялаш технологияси, дарс технология, янги билимларни ўзлаштириш технологияси, материални такрорлаш ва назорат қилиш технологияси, мустақил ишлаш технологияси ва бошқалар) ўзида ифода этади[3].

Шундай қилиб, хос-предметли ва локал даражали педагогик технология тушунчаси таҳсил методикаси тушунчаси билан айтарли тўлиқ қопланади, қоришади. Технологияларда кўпроқ процессуал, миқдорий ва расметли компонентлар келтирилган бўлса, методикаларда мақсадли, мазмуни, сифат ва вариатив-ориентирловчи жиҳатлар кўрсатилган. Технология методикалардан ўзининг натижаларни қайта тиклай олиши, барқарорлиги билан фарқланади. Баъзан методикалар технологиялар таркибига киради, баъзан эса аксинча, у ёки бу технологиялар таҳсил методикалари таркибига киради. Тадқиқот ишимиз доирасида педагогик технологияни қўллашнинг хос-методик даражасини маъқул кўрамиз, унга таянамиз.

Таҳсил технологияси тушунчасини англашда қуйидаги қабул қилинган позицияларга таянган ҳолда ҳисобга олиб таҳсил технологиясининг ишчи таърифи баён қиламиз. Таҳсил технологияси деганда - методик тизимнинг илмий билимни дидактик тадбиқига йўналтирилган, эмпирик инновацияларни ва натижаларга эришишга ҳамда унинг самарадорлигини текширишга интилишни ҳисобга олиб ўқув жараёнини конструкциялашни ўз ичига олувчи амалий рўёбни тушунамиз[5].

Таҳсил технологиясининг қуйидаги аспектларини ажратамиз:

- *концептуал аспект* – таҳсил мақсадларини, уларга эришиш ғояларини, натижага қўйиладиган талабларни, технологияни қуришда қўлланадиган тамойилларни ўз ичига олади;

- *мазмуний аспект* - бевосита таҳсил мазмунини, мазкур технология учун мўлжалланган курсни проектлашнинг хусусиятларини ўз ичига олади;


- *методик аспект* – таҳсил методлари ва воситаларини ўз ичига олади;

- *процессуал аспект* – ўқув жараёнини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни, ишчи дастурни, ўқув режасини, таҳсилнинг эҳтимолий шакллари ўз ичига олади;

- *верификацион аспект* – технология самарадорлигини текширувчи экспертизани ўз ичига олади[1].

Назаримизда методик тизим таҳсил технологиясини ишлаб чиқишга мўлжалланган назарий база сифатида намоён бўлади, таҳсил технологияси эса конкрет ўқув-тарбиявий жараёнда методик тизимнинг ифода топиши ҳисобланади, фақат ўзининг бир бутунлигида улар уни амалга ошириш учун зарур ва етарли шароитларни ҳосил қилади.

Методик тизим компонентлари ва таҳсил технологиясининг юқорида кўрсатиб ўтилган аспектлари ўзаро алоқаси 2- ва 3-расмларда келтирилган.



2-расм. Методик тизимнинг структурвий компонентлари ва тахсил технологиясининг аспектлари ўзаро алоқаси модели[6]


Концептуал аспект – тамайиллар – назорат – мазмуний аспект – мақсадлар – натижа – мазмун – верификацион аспект – талаба – коррекция – устоз – шакллар – процессуал аспект – воситалар – методлар – методик аспект.

Методик тизимнинг функционал компонентлари

Тахсил технологияси аспектлари

Гностик компонент – проектловчи компонент – конструктив компонент – коммуникатив компонент – ташкилотчилик компоненти

Концептуал аспект – мазмуний аспект – методик аспект – процессуал аспект – верификацион аспект



3-расм. Методик тизимнинг функционал компонентлари ва таҳсил технологияси аспектларининг ўзаро алоқаси модели

Шундай қилиб, “педагогик технология”, “маърифий технология”, “таҳсил технологияси” каби тушунчаларни биз синонимлар ўлароқ идрок қиламиз, “методик тизим” ва “таҳсил технологияси” тушунчалари эса ўзаро чамбарчас алоқадор, аммо айнан ўхшаш эмас.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Д.Ахмедов, А.Ишназаров, Ш.Нуруллаева. Основы эконометрики. Учебное пособие. –Т.: «Издательский дом Инновационного развития», 2019 г.-172 с.
2. Ш.Нуруллаева, Д.М.Расулов, А.И.Ишназаров, Н.Ш.Рўзметова, М.А.Мўминова. Эконометрика асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2019 й -298 б.
3. Бекирова Р.С. Организация модульного обучения по дисциплинам естественнонаучного цикла: (На примере высш. математики в техн. вузе): автореф. дис.канд. пед. наук /Р. С. Бекирова ; Исслед. центр проблем подгот. специалистов. - М., 1998,- 23 с.
4. Хаустова О. И. Эконометрика: учебно-методический комплекс /О.И. Хаустова. - Новосибирск: Изд. НГПУ, 2006. - 221 с.
5. Юцявичене П. А. Теория и практика модульного обучения / П. А. Юцявичене. - Каунас: Швиеса, 1989. - 271 с.
6. Бекирова Р.С. Организация модульного обучения по дисциплинам естественнонаучного цикла: (На примере высш. математики в техн. вузе): автореф. дис.канд. пед. наук /Р. С. Бекирова ; Исслед. центр проблем подгот. специалистов. - М., 1998,- 23 с.
7. Назаров Қ.Н. “Билиш фалсафаси” Т.: Университет, 2005.
8. Эконометрика: Ўқув қўлланма. / Мустафакулов Ш.И., Негматов Ж.Б., Жўраев Б.Р., Муродуллаев Н.Н. –Тошкент: ИЛМИЙ ТЕХНИКА АХБОРОТИ-ПРЕСС НАШРИЁТИ, 2017. 155 б.
9. Ходиев Б.Й., Шодиев Т.Ш., Беркинов Б.Б. Эконометрика: ўқув қўлланма. –Т.:ИҚТИСОДИЁТ, 2018. – 178 с.